

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТОШЕВА МАФТУНА РУСТАМОВНА

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЯШИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04-“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)

| | |
|---|-----------|
| Тошева Мафтуна Рустамовна Фермер хўжаликларидан яшил технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари..... | 3 |
| Тошева Мафтуна Рустамовна Пути повышения эффективности использования зелёных технологий в фермерских хозяйствах..... | 27 |
| Tosheva Maftuna Rustamovna Ways to improve the efficiency of using green technologies in farming enterprises..... | 52 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works..... | 56 |

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТОШЕВА МАФТУНА РУСТАМОВНА

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЯШИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04-“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.2.PhD/Iqt5333-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Султанов Баходир Файзуллаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Муталиб Иброҳимович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ахроров Фарход Бахриддинович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 й. “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2026 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.С.Хушматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кузатилаётган экологик муаммолар, глобал иқлим ўзгариши ва техноген омиллар таъсирида атроф-муҳит ифлосланиши, ер-сув ресурслари ҳамда тупроқ унумдорлигининг пасайиши, шунингдек, геосиёсий беқарорликнинг кучайиши инсоният тараққиёти ва барқарор ривожланиш мақсадлари, айниқса қашшоқликни қисқартириш йўлида жиддий хавф туғдирмоқда. Бу омиллар нафақат табиий муҳит ва биохилма-хилликка, балки иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва аҳоли фаровонлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Маълумотларга кўра, мавжуд салбий ҳолат, омил ва тенденциялар сақланиб қолса, “... 2030 йилга бориб дунё аҳолисининг 7–8%и қашшоқлик чегарасидан пастда яшашда давом этади”¹. Шу боис, ҳозирги “яшил” иқтисодиёт ва технологияларга ўтиш босқичида табиий ресурс ва инсон капиталдан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликка эришиш, инсонларни экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тиббий меъёр даражасида таъминлаш каби масалалар жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турибди. Зеро, ишлаб чиқаришда яшил технологияларни кенг жорий этиш атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш, энергия ва ресурс тежамкор ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда иқтисодий самарадорликни ошириш орқали жаҳон иқтисодиётида янги барқарор ўсиш моделини шакллантириш-нинг муҳим илмий-амалий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва халқаро ташкилотлар томонидан қишлоқ хўжалигида яшил технологияларнинг ресурс тежамкорлиги ва иқтисодий-экологик самарадорлигини баҳолаш, уларни самарали қўллаш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, иқлим ўзгаришига мослашган фермер хўжаликларини ривожлантириш, тупроқ таркиби ва сув сарфини назорат қилувчи “Ақлли сенсор” лар, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда локал метеостанцияларни жорий этиш орқали экологик соф маҳсулотлар етиштириш ва деҳқончилик самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини қайта ишлаш ва такроран фойдаланиш имконини берувчи инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича илмий-амалий ечимлар яратилмоқда. Бу эса “Ақлли қишлоқ хўжалиги”ни ривожлантириш, маҳсулот сифати ва ҳажмини ошириш, атроф-муҳитга таъсирни камайтириш, биохилма-хилликни сақлаш ҳамда фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлиги ва экспорт салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз аграр соҳасида амалга оширилаётган техник-технологик ислохотлар натижасида сув тежовчи технологиялар, қайта тикланувчи энергия манбалари (куёш, шамол, биогаз) ва органик деҳқончилик тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Зотан, “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт йили” деб эълон қилинган 2025 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалигини барқарор

¹ United Nations. The Sustainable Development Report 2023: Times of Crisis, Times of Change – Science for Accelerating Transformations to Sustainable Development. New York: UN, 2023.

инновацион ривожлантиришнинг янги босқичига мустаҳкам замин яратилди. Аммо, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “ҳозирги кунда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ерларни мелиорация қилиш ва илғор технологияларни жорий этиш бўйича ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар етарлича”². Шу нуқтаи-назардан, қишлоқ хўжалигида яшил технологияларни илмий асосда татбиқ этиш, хўжалик юритиш субъектлари, жумладан, фермер хўжаликларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни халқаро экологик стандартлаштириш ва сертификациялаш тизимларига уйғунлаштириш келажакда республика аграр соҳаси ва миллий иқтисодиётининг узоқ муддатли барқарор ривожланишини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2025 йил 30 январдаги ПФ-16-сон “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон “2019-2030-йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги тармоғини инновациялар жорий этиш асосида барқарор ривожлантириш муаммолари ва уларнинг илмий-амалий ечимлари МДХ давлатларининг М.Хучек, Э.Крылов, И.Санду³ каби иқтисодчи олимлари илмий ишларида кенг ёритиб берилган.

Қишлоқ хўжалигида ресурс салоҳиятини баҳолаш, ресурслардан самарали фойдаланишнинг илмий-назарий ва амалий асослари, инвестицион-инновацион жозибadorликни ошириш, инновацион фаолиятини иқтисодий рағбатлантириш механизмлари, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирларига

² Президент Ш.М.Мирзиёевнинг 2024 йил 26 январдаги Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган нутқи, <https://president.uz/uz/lists/view/7755>

³ М.Хечук. Инновация на предприятиях и их внедрения. – М.: Луч. – 1992; Э.Крылов, М.Журовкова, В.Власова. Анализ эффективности инвестиционной-инновационной деятельности предприятия. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 8 с.; И.Санду и др. Организационно-экономический механизм развития инновационных процессов в АПК. – М.: РосАКО АПК, 2005.

оид ташкилий-иқтисодий муаммолар ва уларнинг амалий ечимлари Қ.А.Чариев, Ў.П.Умурзаков, Н.С.Хушматов, Б.Ф.Султанов⁴ каби иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларида муҳим ўрин олган бўлиб, улар ер, сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг илмий-услубий асосларини рақамли иқтисодиёт шароитига мос такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ресурстежамкор ва инновацион технологияларни жорий этиш йўналишида С.Р.Умаров, И.Б.Рустамова, Д.Д.Джалалова⁵ каби иқтисодчи олимлар эътиборга молик илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган ва уларда, жумладан, қишлоқ хўжалигида инновацион-инвестицион жараёнларни иқтисодий рағбатлантириш, маҳсулот етиштирувчи хўжаликлар самарадорлигини ошириш омиллари ва ташкилий-иқтисодий механизмлари асослаб берилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг глобал иқлим ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлаш ва таваккалчилигини камайтириш масалалари С.Т.Искандаров, Ш.Б.Бабахалов, М.М.Бабаджановалар⁶ тадқиқотларида ёритилган.

Олий таълим муассасаларида “Яшил иқтисодиёт” фанини ўқитиш ва уни доимий такомиллаштириш асосида ўқув дастурларини шакллантириш ҳозирги барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида муҳим рол ўйнайди. Мазкур фан бўйича, жумладан, А.В.Вахабов, М.И.Юлдашев⁷ каби иқтисодчи олимлар ўз илмий жамоалари билан ҳамкорликда дарслик ва ўқув-услубий қўлланмаларни яратиш, мазкур фаннинг назарий-методологик асосларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганлар.

Бироқ, қишлоқ хўжалигида “яшил технологиялар” тушунчаси, таърифи ва уларнинг илмий-назарий асослари ҳамда экологик самарадорлигини баҳолаш ва ошириш усуллари, фермер хўжаликларида уларни жорий этишнинг ҳозирги ҳолати, муаммолари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмлари “яшил-иқтисодиёт” шароитига мос равишда чуқур ўрганилмаган. Ушбу илмий ва услубий-амалий бўшлиқ билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш зарурияти мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

⁴ Қ.А.Чариев. Қишлоқ хўжалигида инновациялар жорий қилиш тизимини шакллантириш ва рағбатлантириш истиқболлари (услубий тавсиялар). Т.: 2014, – 32 б.; Ў.П.Умурзаков. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. Т.: Фан, 2006. – 216 с.; Б.Ф.Султанов. Қишлоқ хўжалигида мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш: авт. дисс. ... и.ф.д. (DSc). Т.: 2018. – 78 б.

⁵ С.Р.Умаров. Сув хўжалиги тизимида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш: авт. дисс. ... и.ф.д. (DSc). Т.: 2017. – 76 б.; И.Б.Рустамова. Аграр соҳада инновацион жараёнлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асослари: авт. дисс. ... и.ф.д. (DSc). Т.: 2020.–75 б.; Д.Д.Джалалова. Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш: авт. дисс. ... и.ф.д. (PhD). Т.: 2023. Т.: – 57 б.

⁶ С.Т.Искандаров. Глобал иқлим ўзгариши шароитида сабзавотчиликни ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш: дисс. ... авт. и.ф.д. (DSc). 2024 й.; Ш.Б.Бабахалов. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига иқлим ўзгаришининг таъсири ва адаптация жараёнларини иқтисодий баҳолаш (Самарқанд вилояти мисолида). авт. дисс. ... и.ф.д. (PhD). Т.: 2022. Т.: 52 б.; М.М.Бабаджанова. Иқлим ўзгаришининг бугдой ҳосилига таъсири иқтисодий баҳолаш: авт. дисс. ... и.ф.д. (PhD). Т.: 2023. Т.: 58 б.

⁷ Вахабов А.В., Ш.Б.Хожибакиев. “Яшил иқтисодиёт” (дарслик). Т.: “Universitet”, 2020. – 262 б.; Юлдашев М.И., Юлдашев Ф.А. Яшил иқтисодиёт. Дарслик. – Т.: “ТИҚХММИ” МТУ, 2025. – 237 бет.

Тадқиқотнинг мақсади фермер хўжаликлариди яшил технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва ошириш бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“яшил иқтисодиёт”нинг тарихий ривожланиш тенденциялари ва қишлоқ хўжалигида “яшил технологиялар”нинг иқтисодий аҳамиятини асослаш;

“яшил технология”нинг моҳияти ва самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш;

яшил технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини умумлаштириш;

фермер хўжаликлариди яшил технологиялар жорий этиш самарадорлигига боғлиқ омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини эконометрик усуллар орқали баҳолаш;

фермер хўжаликлариди даромад ва яшил технологиялардан фойдаланиш ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш;

худудий хусусиятлар ва экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда яшил технологиялар самарадорлигини комплекс баҳолаш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;

фермер хўжаликлариди яшил технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фермер хўжаликлариди яшил технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари ва истиқболларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги яшил технологиялардан фойдаланаётган ва монографик тадқиқ этилган фермер хўжаликлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини яшил технологиялар жорий этаётган фермер хўжаликлари ва улардан фойдаланиш жараёнида иштирок этувчи субъектлар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик гуруҳлаш, мантиқий ва абстракт фикрлаш, таққослама таҳлил, сўровнома, монографик ўрганиш, эконометрик моделлаштириш ва корреляция-регрессия усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

яшил технологияларнинг самарадорлик кўрсаткичларини хўжаликларнинг ресурслардан фойдаланиш, молиявий қўллаб-қувватланиш ва экологик таъсир этиш даражаларини ҳисобга олган ҳолда комплекс баҳолаш бўйича услубий ёндашув ишлаб чиқилган;

фермер хўжаликларининг инвестицион фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи яшил технологияларни жорий этишни рағбатлантириш мақсадида иқтисодий жиҳатдан мақбул имтиёзли кредитлаш шартларини шакллантириш ҳамда кредит-субсидиялаш механизмларини уйғунлаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалигида яшил технологияларни жорий этиш самарадорлиги ва ҳолати бўйича мониторинг юритиш, унинг натижаларини таҳлил қилиш ва

комплекс баҳолашни рақамли электрон платформа орқали мувофиқлаштириш ва идоралараро ахборот алмашиш жараёнларининг ташкилий-бошқариш механизми таклиф этилган;

Самарқанд вилояти фермер хўжаликларида қуёш энергияси ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш даражасининг 2026–2032 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида яшил технологияларни жорий этиш ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолашга қаратилган индикаторлар тизими ва амалий ёндашув ишлаб чиқилган;

фермер хўжаликларида яшил технологияларни жорий этиш билан боғлиқ омилларни аниқлаш ва улар таъсирини эконометрик моделлаштириш усуллари ёрдамида баҳолаш асосида самарадорликни ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

фермер хўжаликларида қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги соҳа олимларининг қишлоқ хўжалигини инновацион барқарор ривожлантиришга доир илмий-назарий ва услубий ишланмалари, илмий адабиётлар ва монографик тадқиқотлар таҳлили, сўровнома ва эмпирик тадқиқотлар натижалари билан амалий асосланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг расмий статистик маълумотлари, монографик тадқиқот этилган фермер хўжаликлари ҳисоботларидан фойдаланилганлиги, тадқиқот жараёнида қўлланилган эконометрик моделлар ва корреляция-регрессия функциялари орқали олинган натижаларнинг илмий асосланганлиги ва амалий аҳамияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, фермер хўжаликлари фаолиятида яшил технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид назарий-услубий ёндашув ва ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, шунингдек, яшил технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва оширишга оид илмий изланишларни ривожлантириш ҳамда ушбу йўналишда амалга ошириладиган кейинги илмий тадқиқотлар учун назарий-методологик асос яратишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фермер хўжаликларида яшил технологиялардан самарали фойдаланиш, ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ҳамда фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан қишлоқ хўжалигида яшил технологияларни ривожлантиришга қаратилган давлат ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда, шу билан бирга, олий таълим муассасаларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Жаҳон қишлоқ хўжалиги” ва “Яшил иқтисодиёт” фанлари бўйича ўқув-услубий материалларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фермер хўжаликларида яшил технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид олинган илмий натижалар асосида:

худудлар қишлоқ хўжалигида яшил технологияларнинг самарадорлигини баҳолаш ва оширишда хўжаликларнинг ресурслардан фойдаланиш, молиявий қўллаб-қувватланиш ва экологик таъсир этиш даражаларини ҳисобга олган ҳолда тавсия этилган индикаторлар тизими ва интеграл индекслар асосида комплекс баҳолаш бўйича услубий ёндашув Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026 йил 29 январдаги 05/04-04-121-сон маълумотномаси). Таклиф этилган интеграл индекс қишлоқ хўжалигида яшил технологиялардан фойдаланиш даражасини худудлар ва фермер хўжаликлари кесимида баҳолаш имконини беради;

фермер хўжаликларида яшил технологияларни жорий этишни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида кредитлаш ва субсидиялаш механизмларини ўзаро уйғунлаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026 йил 29 январдаги 05/04-04-121-сон маълумотномаси). Натижада, фермер хўжаликларининг яшил технологияларга инвестиция йўналтириш бўйича молиявий имкониятлари кенгайиб, хусусан, 7 фоизли имтиёзли кредит ставкаларини жорий этиш орқали яшил технологиялардан фойдаланиш даражасини оширишга хизмат қилади;

қишлоқ хўжалигида яшил технологияларни жорий этиш мониторингини юритиш ва унинг натижаларидан комплекс фойдаланиш жараёнларини рақамли платформа орқали мувофиқлаштириш ва идоралараро ахборот алмашинувини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотларга жорий этиш учун қабул қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026 йил 29 январдаги 05/04-04-121-сон маълумотномаси). Натижада, яшил технологияларни жорий этиш, мониторинг қилиш ва комплекс баҳолаш жараёнларини ягона рақамли платформа асосида мувофиқлаштириш, шунингдек, экологик сертификатлаш хизматини жорий этиш орқали фермер хўжаликларида яшил технологияларни қўллашни иқтисодий рағбатлантириш имкониятлари кенгайди;

Самарқанд вилояти фермер хўжаликлари динамик маълумотлари асосида яшил технологиялардан фойдаланишнинг 2026–2032 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими ташкилотларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2026 йил 29 январдаги 05/04-04-121-сон маълумотномаси). Прогноз натижаларига кўра, 2032 йилга бориб Самарқанд вилояти фермер хўжаликларида куёш энергияси технологияларидан фойдаланиш даражаси 35,4 фоизга, инновацион суғориш технологияларини қўллаш даражаси эса 6,9 пунктга ошиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 3 та халқаро, 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда жами 17 та, шундан, 11 та илмий мақола ва 6 та тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 147 бетда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган ҳамда мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилиб, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари, амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар, диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **“Қишлоқ хўжалигида яшил технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида яшил иқтисодиётнинг тарихий-иқтисодий жиҳатдан эволюцион ривожланиш жараён ва босқичлари, халқаро норматив-ҳуқуқий механизмлари баён этилган, қишлоқ хўжалигида яшил технологиялар мазмуни ва уларни баҳолашга оид илмий-услубий асослар таҳлил этилган. Шунингдек, ушбу технологияларни жорий этиш бўйича хорижий давлатларнинг аҳамиятга молик тажрибалари умумлаштирилиб, тегишли хулоса ва таклифлар берилган.

Глобал иқлим ўзгариши бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти ва инсоният тараққиётига жиддий таҳдид солаётган ва ўз ечимини қутаётган энг мураккаб муаммолардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ушбу ҳолат глобал миқёсда мослашув чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга амалий татбиқ этиш заруратини келтириб чиқарди. Шу сабабдан, кейинги илмий-тадқиқот ишлари ва адабиётларда “иқлим ўзгариши”, “барқарор ривожланиш”, “яшил иқтисодиёт”, “биоиқтисодиёт”, “яшил технология”, “яшил макон”, “ақлли қишлоқ хўжалиги”, “яшил камар” каби атама ва тушунчалар мустақил илмий йўналишлар сифатида шаклланиб, жаҳон иқтисодий-ижтимоий сиёсатининг устувор концепцияларига айланди. Бироқ, нафақат махсус адабиётларда, балки, амалиётда ҳам ушбу атамаларнинг таърифи, мазмун-моҳияти, ўзаро фарқланиш ва боғлиқлик жиҳатлари илмий-назарий нуқтаи-назардан етарли даражада кенг ва чуқур асослаб берилмаганлиги уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида илмий изланишлар олиб боришни талаб этади.

Гарчи “яшил иқтисодиёт” концепцияси жаҳон миқёсида XX асрдан бошлаб шаклланган бўлса-да, аммо, унинг илмий асос ва илдизлари Ўзбекистонда анча олдинги даврларга бориб тақалади. Маҳаллий олимлар тадқиқотлари ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш, мелиорация тадбирларининг экологик

таъсирини баҳолаш ва аграр тизимларни табиий муҳит билан уйғунлаштириш йўналишида миллий илмий мактаб шаклланишига асос бўлди. Ушбу илмий мактаб ёндашувлари эса бугунги кунда яшил иқтисодиёт назариясида кенг қўлланилаётган “экотизим хизматлари”, “ресурс тежамкорлик” ва “экологик хавфлар мониторинги” каби тушунчаларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Яшил иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши халқаро экологик тартибга солиш актлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, 1972 йилдаги Стокгольм конференцияси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурини барқарор иқтисодий ривожланиш мақсадлари билан уйғунлаштиришга асос солди. Шунингдек, ИРСС ва Рио саммитида “Иқлим ўзгариши тўғрисидаги рамкавий конвенция”, Киото протоколи ва Париж келишуви каби халқаро ҳужжатлар глобал иқлим сиёсатининг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди. Уларга мувофиқ яшил иқтисодиёт ҳозирги глобаллашув шароитида ресурс тежамкор ва пасткарбонат чиқариш технологияларига асосланган барқарор ривожланиш модели сифатида тан олинди, ундан жамият ва инсоният тараққиётини таъминлаш мақсадида самарали қўлланилмоқда.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, “яшил” ёки “экологик тоза” технологиялар учун барча соҳаларга мос ягона таъриф мавжуд эмас. Шу боис, ушбу атамага мос таъриф бериш ва тушунчани аниқлашда турли мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ва илмий манбалардаги илмий-назарий ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга, зеро, улар кўп жиҳатдан иқтисодий сиёсат, экологик стандартлар ва ресурслардан фойдаланиш амалиётининг ўзаро таъсирида шаклланади. Шу илмий ёндашув нуқтаи-назардан, бизнингча, яшил технологиялар қишлоқ хўжалигида ресурслар ва харажатларни қисқартириш, юқори даромад олиш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил этиш, экологик салбий таъсирларни камайтириш, органик маҳсулотлар этиштириш, экспорт салоҳияти ва иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қиладиган инновацион технологиялар мажмудир. Умуман, аксарият замонавий атамаларда ишлатилаётган “яшил” сўзи моҳиятан ранг маъносида эмас, балки, атроф-муҳит софлигини таъминлаш, минерал ўғитлар ва токсик препаратлар ишлатмасдан органик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ҳудудларни кўкаламлаштириш каби йўналишларда “синоним” ўрнида қўлланилади. Шу жиҳатлардан, ҳозирги кунда амалга оширилаётган инновацион ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири “яшил” технологияларни кенг ва самарали жорий этиш орқали, энг аввало, рақамли иқтисодиёт шароитида ишлаб чиқариш ва бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилганлиги билан белгиланади.

Шу нуқтаи-назардан, яшил иқтисодиёт талабларига мос мақбул қарорлар қабул қилишда табиий омил ва ресурслардан тежамкор самарали фойдаланиш, инвестиция сиёсати ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда янги ёндашувларни шакллантириб, иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорликни ўзаро боғлиқ жараёнлар сифатида қарашни тақозо этади. Бу ёндашув қишлоқ хўжалигида ресурс тежамкорликни таъминлаш, маҳсулот (товар, хизмат) ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш, сифати ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда, айниқса ҳозирги шароитда атроф-муҳит ва биохилма-хилликни

асраш мақсадида экологик барқарорликни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалиётга кенг жорий этишни объектив заруриятга айлантирмоқда.

Умуман, қишлоқ хўжалигида яшил технологияларни ривожлантириш ва самарали жорий этишнинг объектив зарурияти қуйидаги асосий омиллар билан белгиланади:

- экологик босим ва салбий таъсир кучайиб бораётган шароитда чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларни қайта тиклашга бўлган талаб;

- халқаро иқтисодий интеграция жараёнларининг чуқурлашуви, хусусан, миллий иқтисодиётни Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мослаштириш ва интеграциялаш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш зарурати;

- институционал ислоҳотлар ва глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ маъсулият ва мажбуриятларнинг кучайиши, уларга мослашув механизмларини такомиллаштириш ва таваккалчилик хавфини камайтириш талаби;

- иқтисодий самарадорликни ошириш, ижтимоий-экологик барқарорлик ва қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ва юқори даромад олиш манбаларини кўпайтириш зарурати;

- глобал геосийосий ўзгаришлар шароитида импорт товарлар, шу жумладан, энергия ресурсларига қарамликни камайтириш, қайта тикланувчи тоза энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришнинг энергетик барқарорлигини таъминлаш эҳтиёжи;

- озиқ-овқат хавфсизлиги ва ички бозор истеъмол маҳсулот (товар)лари барқарорлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташқи салбий омиллар таъсирларидан ҳимоя қилиш зарурияти;

- аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва экологик тоза органик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш ҳамда ушбу эҳтиёжга жавоб берадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш зарурияти.

Юқорида қайд этилган омиллар ва устувор вазифалар қишлоқ хўжалигида яшил технологияларни жорий этиш жараёни ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини илмий асосланган тизимли тарзда ташкил этишни талаб қилади. Шу боис, яшил технологиялар самарадорлигини баҳолашда ресурс, иқтисодий ва экологик омилларни ўзаро боғлиқ ҳолда қамраб олувчи комплекс ёндашувни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини интеграл баҳолаш индикаторлари орқали аниқлаш муҳим аҳамият касб этади (1-жадвал).

Бизнингча, мазкур индекс усули асосида аниқланган индикаторлар тизими яшил технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини комплекс баҳолаш учун муҳим услубий ёндашув бўлиб хизмат қилади ва фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятида уларни самарали қўллаш чора-тадбирларини жорий этиш имкониятини яратади. Бунда аниқланган кўрсаткичларнинг расмий статистик маълумотлар ва фермер хўжаликларида ўтказилган сўровнома натижаларига асосланганлиги уларнинг ишончлилик даражасини таъминлайди. Шу жиҳатдан, муайян индикаторни тегишли гуруҳлар кесими йўналишларига мос аниқлаш орқали яшил технологиялардан фойдаланиш даражасини баҳолаш натижасида интеграл индекслар бўйича паст (0,00–0,33), ўрта (0,34–0,66) ва юқори (0,67–1,00) мезонлар ишлаб чиқилди.

**Яшил технологиялардан фойдаланиш ҳолатини баҳолаш
усуллари ва индикаторлари⁸**

| № | Кўрсаткич номи | Кўрсаткич мазмуни | Ҳисоблаш усули ва ўлчов бирлиги | Маълумот манбаи |
|---|--|--|--|------------------------|
| I. Яшил технологияларни жорий этишнинг ресурслар базаси | | | | |
| 1 | Жами қишлоқ хўжалиги ерлари, (минг га) | Технологияларни жорий этиш учун мавжуд ресурс базасини тавсифлайди | Абсолют. қиймат | Статистик маълумот |
| 2 | Суғориладиган ерлар улуши, (%) | Суғориш инфратузилмаси ва сувдан фойдаланиш имкониятини ифодалайди | Суғориладиган ер / жами қишлоқ хўжалиги ерлари × 100 | Статистик маълумот |
| II. Яшил технологиялардан фойдаланиш даражаси | | | | |
| 3 | Сув тежовчи технология қўлланилган майдон улуши, (%) | Сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш даражасини ифодалайди. | Сув тежовчи технология қўлланилган майдон / суғориладиган ер майдони × 100 | Статистик маълумот |
| 4 | Қуёш панеллари қўллаган хўжаликлар улуши, (%) | Қайта тикланувчи энергия технологияларидан фойдаланиш даражасини ифодалайди. | Қуёш панеллари ўрнатган хўжаликлар сони / жами хўжаликлар сони × 100 | Статистик маълумот |
| 5 | Органик сертификатга эга хўжаликлар улуши, (%) | Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражасини ифодалайди | Сертификатга эга хўжаликлар / жами хўжаликлар × 100 | Статистик маълумот |
| III. Яшил технологияларни молиявий қўллаб-қувватлаш даражаси | | | | |
| 6 | Молиявий қўллаб-қувватлаш имконияти даражаси | Молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини ифодалайди | Эксперт баҳолаш (балл усули) | Сўровнома маълумотлари |
| IV. Яшил технологияларнинг экологик самарадорлиги | | | | |
| 7 | Экологик самарадорлик индекси | Атроф-муҳитга таъсирни камайтириш ва ресурс тежамкорлик даражасини ифодалайди. | Эксперт баҳолаш (интеграл индекс) | Сўровнома маълумотлари |

Диссертацияда, шунингдек, хорижий тажрибалар ўрганилди ва уларнинг кўрсатишича, қишлоқ хўжалигида яшил технологияларни жорий этиш барқарор иқтисодий ўсиш, экологик хавфсизлик ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг муҳим омили эканини тасдиқлайди. Ушбу тажрибалар ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, инновацион ва рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш органик маҳсулотлар бозорини ривожлантириш, давлатнинг институционал ва молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

⁸ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тайёрланган.

Диссертациянинг “**Фермер хўжаликларида яшил технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш**” деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган таркибий-ташкилий, техник-технологик ва иқтисодий ислохотлар шароитида яшил технологияларни жорий этиш динамикаси ва ҳолати таҳлил қилиниб, ушбу технологиялардан фойдаланишга таъсир этувчи табиий, иқтисодий, молиявий ва институционал омилларнинг таъсир даражаси эмпирик усуллар асосида баҳоланган.

Халқаро экологик мажбуриятларга мувофиқ Ўзбекистон иқтисодиётида, айниқса, иқлим ўзгаришларига сезгир қишлоқ хўжалигида таркибий ислохотлар амалга оширилиб, улар ижросини тизимли таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23-октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги муҳим Фармони қабул қилинди. Унда, жумладан, ресурс тежамкор, камуглерод ва экологик барқарор ривожланиш, энергия ва сув сарфини қисқартириш, томчилатиб суғориш ва иқлимга мос агротехнологияларни қўллаш устувор вазифалар сифатида белгиланди.

Ушбу устувор вазифаларнинг ҳудудлар шароитидаги натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун Самарқанд вилояти мисолида монографик тадқиқотлар ўтказилди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, 2000–2025 йиллар давомида фермер хўжаликлари сони барқарор ўсиб борган. Хусусан, 2015 йилда 9756 та фермер хўжаликлари фаолият юритган бўлса, 2025 йилга келиб ушбу кўрсаткич 11186 тага етган, яъни 1430 тага ошган. Ушбу йилларда вилоят бўйича қуёш энергияси ва органик ўғитлардан фойдаланувчи фермер хўжаликлари сони кўпайиб, сув тежамкор технологияларни қўллаш даражаси 4,3 фоиздан 28,7 фоизга етган (2-жадвал).

2-жадвал.

Самарқанд вилояти фермер хўжаликларида яшил технологиялардан фойдаланиш кўрсаткичлари динамикаси (2000–2025 йй.)⁹

| № | Йиллар | Фермер хўжаликлари сони, бирлик | Жами экин майдони, минг гектар | Қуёш багареяси технологиясидан фойдаланаётган хўжаликлар сони, бирлик | Органик ўғитдан фойдаланаётган хўжаликлар сони, бирлик | Сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш даражаси, % |
|--|--------|---------------------------------|--------------------------------|---|--|---|
| 2 | 2000 | 6185 | 62,9 | 0 | 3675 | 0 |
| 3 | 2005 | 10688 | 254,1 | 0 | 5639 | 0 |
| 4 | 2010 | 8804 | 532,7 | 0 | 3254 | 0 |
| 5 | 2015 | 9756 | 521,1 | 17 | 4359 | 4,3 |
| 6 | 2020 | 11740 | 384,5 | 242 | 6785 | 18,5 |
| 7 | 2025 | 11186 | 384 | 871 | 6943 | 28,7 |
| 2025 йил 2015 йилга нисбатан ўзгариши | | | | | | |
| Мутлоқ (+/-) | | 1430 | -137,1 | 854 | 2584 | 24,4 п. ошган |

⁹ Самарқанд вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Монографик тадқиқотлар ва амалий таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда фермер хўжаликларида яшил технология сифатида муқобил энергия манбаларига асосланган технологик ечимларни жорий этиш энергия харажатларини камайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга замин яратмоқда. Масалан, вилоятнинг Қўшрабoт туманидаги узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида анъанавий насосларни қуёш панеллари билан алмаштириш натижасида нафақат энергия сарфи, балки, ишлаб чиқариш харажатлари кескин қисқариб, ялпи ҳосил, ялпи даромад, фойда, ҳосилдорлик ва рентабеллик кўрсаткичлари сезиларли даражада ошган (3-жадвал).

3-жадвал.

Самарқанд вилояти Қўшрабoт туманидаги узумчилик фермер хўжаликларида суғориш усуллари иқтисодий самарадорлигининг таққослама таҳлил натижалари¹⁰

(2025 йил, 1 гектар учун)

| Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Анъанавий насосда | Қуёш панелларида | Фарқи (+/-) |
|---|----------------------|--------------------------|-------------------------|--------------------|
| Ҳосилдорлик | ц/га | 120 | 130 | +10 |
| Ялпи ҳосил | тонна | 12,0 | 13,0 | +1,0 |
| Жами ишлаб чиқариш харажатлари | минг сўм | 49 885 | 45 685 | -4 200 |
| шу жумладан: | | | | |
| – меҳнат харажатлари | минг сўм | 25 000 | 28 000 | +3 000 |
| – минерал ўғитлар харажатлари | минг сўм | 4 200 | 4 200 | 0 |
| – энергия харажатлари | минг сўм | 15 000 | 4 000 | -11 000 |
| – механизация ва хизмат кўрсатиш харажатлари | минг сўм | 2 200 | 2 000 | -200 |
| – бошқа ишлаб чиқариш харажатлари | минг сўм | 3 485 | 7 485 | +4 000 |
| Ялпи тушум (узум сотишдан) | минг сўм | 72 000 | 84 000 | +12 000 |
| Қўшимча даромад (электр энергиясини сотишдан) | минг сўм | – | 6 000 | +6 000 |
| Жами тушум | минг сўм | 72 000 | 90 000 | +18 000 |
| Фойда | минг сўм | 22 115 | 44 315 | +22 200 |
| Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги | % | 44,3 | 97,0 | +52,7 п.п. |
| 1 ц маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари | минг сўм | 416 | 351 | -65 |

Изоҳ: Қуёш панелларини жорий этиш учун сарфланган инвестиция ҳажми ўртача 34,6 млн сўмни ташкил этиб, энергия харажатларининг қисқариши ва ортиқча электр энергиясини сотишдан олинган

¹⁰ Самарқанд вилояти Қўшрабoт тумани “Болмон ота”, “Бешмола шамоли” фермер хўжаликлари маълумотлари асосида тайёрланган.

қўшимча даромад ҳисобига 1,2–1,6 йил мобайнида қопланиши аниқланди. Рентабеллик кўрсаткичи ҳисобида қўшимча даромадлар ҳам инобатга олинган.


Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, қуёш панеллари асосида суғориш технологиясини жорий этиш анъанавий насос усулига нисбатан таққослаганда юқори иқтисодий самарадорликни таъминлайди. Энергия харажатларининг камайиши ва қўшимча даромад манбалари ҳисобига жами тушум, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари сезиларли даражада ошади, инвестициялар эса қисқа муддатда қопланади. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги шароитида сув танқислиги ва энергия харажатларининг юқорилиги мазкур технология алоҳида аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Қуёш панелларини қўллаш нафақат суғориладиган ерларда, балки лалми, дашт ва электр энергияси чекланган ёки мавжуд бўлмаган ҳудудларда ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қўшимча экин майдонларини ўзлаштириш, янги замонавий иш ўринларини яратиш ва қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, таҳлиллар кўрсатишича, ушбу технологияларни жорий этиш кўп жиҳатдан об-ҳавога, катта ҳажмда инвестициялар жалб этишга ва сув ресурсларидан тежамли фойдаланишга боғлиқ мавжуд экологик чекловларни бартараф этишни талаб қилади. Бу ҳолат, ўз навбатида, яшил технологияларни самарали қўллаш учун тизимли мониторинг юритиш воситалари ва бошқарув механизмларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқот жараёнида яшил технологияларни жорий этишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш ва улар ечимларини топиш мақсадида 624 та фермер хўжаликлари ўртасида анкета сўровномаси ўтказилди. Сўровнома натижалари, монографик ва эмпирик таҳлиллар шуни кўрсатадики, фермер хўжаликларида яшил технологияларни жорий этиш жараёни бир қатор тизимли муаммолар билан чекланмоқда. Жумладан, фермерларнинг катта қисми (60–70%) юқори бошланғич инвестициялар жалб этиш билан боғлиқ муаммоларни асосий тўсиқ сифатида қайд этган бўлса, 50–60% респондентлар ўз молиявий ресурсларининг етишмаслиги ва имтиёзли кредитлар олишнинг мураккаблигини таъкидлашган. Шу билан бирга, 40–50% фермерлар техник билим ва амалий кўникмаларнинг етарли эмаслиги, технологиялар ҳақида ахборот танқислиги ва консалтинг хизматларининг ривожланмаганлигини муҳим муаммо сифатида баҳолашган. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларининг самарадорлиги ва қамрови билан боғлиқ муаммоларни 30–40% респондентлар қайд этишган, Бу ҳолат асосан имтиёзли кредит ва субсидия каби молиялаш ресурсларидан фойдаланишдаги ташкилий-бюрократик тўсиқлар, инфратузилманинг етарлича ривожланмаганлиги (электр-энергияси таъминотидаги узилишлар, техник сервис хизматларининг нархи юқорилиги ва камлиги)га боғлиқлиги 35–45% фермерлар томонидан муҳим чекловлар сифатида кўрсатилган (1-расм).

Сўровнома натижалари шуни ҳам кўрсатадики, фермер хўжаликларининг ҳудудий жойлашуви, маҳсулот сотиш шаҳобчларига яқинлиги, раҳбарларнинг билим ва инновацион ёндашув даражаси, айниқса, марказдан узоқ ҳудудларда инфратузилманинг суст ривожланганлиги ҳам яшил технологияларни жорий этиш даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Умуман, олинган натижалар яшил технологияларни жорий этишга тўсқинлик қилаётган омиллар асосан молиявий,

институционал, техник ва инфратузилмавий характерга эга бўлиб, улар ўзаро боғлиқ ҳолда намоён бўлишини кўрсатади.



1-расм. Яшил технологияларни жорий этишда қандай қийинчиликларга дуч келмоқдасиз?¹¹

Сўровнома натижаларида аниқланган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва фермер хўжаликларида яшил технологияларни жорий этишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун тадқиқот доирасида комплекс иқтисодий-статистик таҳлил амалга оширилди. Ушбу ҳисоб-китоб жараёнида фермер хўжаликларида яшил технологияларни жорий этиш ҳолати, яъни, қўллаш даражаси ёки умуман қўлламамаслиги эрксиз ўзгарувчи мезон сифатида ва эркин ўзгарувчи омиллар сифатида эса даромад ҳажми ва молиявий ресурслардан фойдаланиш даражаси, имтиёзли кредит фоиз ставкалари, фермернинг маълумот даражаси, ахборотдан фойдаланиш имконияти, инфратузилма ҳолати, хўжаликнинг жойлашуви ва кўп тармоқли фаолият олиб бориши каби омиллар киритилди.


Мазкур омилларнинг таъсирини баҳолаш мақсадида *биринчи босқичда* Logit модели қўлланилди. Ушбу модел натижалари фермер хўжаликларида яшил технологияларни жорий этишга уларнинг даромад даражаси ижобий таъсир кўрсатишини (ўртача 1,8%га ошиши), зарур ахборотга эга фермерларда технологияларни қўллаш даражаси 18,4%га юқори эканини ҳамда кўп тармоқли фаолият юритувчи хўжаликларда жорий этиш эҳтимоли 10,5% га ошишини кўрсатди. Шунингдек, тренингларда қатнашган фермерларда мазкур кўрсаткич 7–37% орасида экани аниқланди.

Иккинчи босқичда ANOVA (Analysis of Variance) таҳлили натижаларига асосланган ҳолда яшил технологиялардан фойдаланишнинг фермерлар даромадига таъсири баҳоланди. Натижаларга кўра, яшил технологияларни қўллаётган фермер хўжаликларида даромад кўрсаткичлари анъанавий усуллардан фойдаланувчи хўжаликларга нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли даражада юқори экани аниқланди ва ўртача ҳисобда 10–15%га ошиши аниқланди. Бунда, айниқса, сув тежовчи технологиялар ва қуёш панеллари

¹¹ Ижтимоий сўровнома натижалари асосида тайёрланган.

фермер хўжаликларида юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаши исботланди.

Учинчи босқичда яшил технологияларнинг экологик самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш мақсадида фактор таҳлил (factor analysis) усули қўлланилди. Таҳлил жараёнида кўп сонли кўрсаткичлар ўзаро корреляцияси асосида қисқартирилиб, экологик самарадорликни ифодаловчи асосий омиллар гуруҳлаштирилди. Натижада, ресурс тежамкорлик, сув ва энергия сарфини қисқартириш, тупроқ сифатини яхшилаш, кимёвий моддаларни қўллашни ва таъсирини камайтириш экологик самарадорликни белгиловчи асосий компонентлар сифатида ажратиб олинди ва омилли таҳлил натижаларига таянган ҳолда экологик самарадорлик индекси аниқланди. Бу кўрсаткич фермер хўжаликларида яшил технологиялардан фойдаланиш даражасини баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади. Сўровнома натижаларига кўра, респондент фермерларнинг 61,3%и яшил технологиялардан фойдаланиш экологик самарадорликни оширишини тасдиқлаган (2-расм).



2-расм. Фермер хўжаликларида экологик самарадорлик индекси ва тармоқ фаолияти ўртасидаги боғлиқлик¹²

Тадқиқот натижалари инсон капитали ва омилларининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳам кўрсатди. Масалан, олий маълумотга эга фермерлар яшил технологияларни тезроқ ўзлаштириб, уларни тизимли ва самарали қўллаш орқали ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва ресурс тежамкорликни оширишга эришмоқда. Шунингдек, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмларининг самарадорлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот натижалари фермерларнинг салмоқли қисми мавжуд молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чораларини етарли деб ҳисобламаслигини кўрсатди. Бу ҳолат субсидия ва имтиёзли кредитлар билан бир қаторда таълим,

¹² Ижтимоий сўровнома натижалари асосида тайёрланган.

консалтинг ва ахборот хизматларини қамраб олган комплекс қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Умуман олганда, тадқиқот натижалари фермер хўжаликлари фаолиятида яшил технологияларни жорий этиш жараёнида иқтисодий (даромад, кредит), ахборот (маълумот ва тренинг), институционал (давлат қўллаб-қувватлаши) ва инфратузилмавий омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатди. Шу боис, мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари, жумладан, имтиёзли кредитлаш ва субсидия тизимини такомиллаштириш, шунингдек, яшил технологияларни жорий этиш жараёнларини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштиришга хизмат қилувчи ягона рақамли платформани жорий этиш талаб этилади.

Диссертация ишининг **“Фермер хўжаликларида яшил технологиялар самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари ва истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида қишлоқ хўжалигида яшил технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Унга асосан ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, инвестицион фаоллик ва жозибадорликни ошириш, давлатнинг қўллаб-қувватлаш механизмларининг самарадорлигини таъминлашга қаратилган устувор йўналишлар белгиланиб, тармоқ ривожланишининг прогноз параметрлари асослаб берилган.

